

# ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

“ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ”  
кафедраси

«Ишлаб чиқариш хоналарини  
шамоллатиш ва ёритиш»

Тошкент-2019

# Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

<i>Вақт: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 22</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	<i>Маъруза</i>
<i>Маъруза режаси/ ўқув машғулотининг тузилиши</i>	
<i>Ўқув машғулоти мақсади:</i> Инсон учун зарур бладиган санитар-гигиеник омиллар, уларнинг турлари, вазифаларини ўрганиш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> 1. Ишлаб чиқаришда инсон учун зарур бўладиган санитар-гигиеник омиллар билан таништириш. 2. Шамоллатиш тизими, уларнинг ишлаш принципи ва воситалари билан танишиш. 3. Ёритиш турлари ёритилганликни таъминлаш манбалари ва уларни ўлчаш воситалари билан танишиш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> 1. Иш пайтида содир бўладиган зарарли ишлаб чиқариш омилларини ва уларнинг олдини олиш чоралари - тадбирлари тўғрисида умумий тушунчаларга эга бўлади. 2. Шамоллатиш тизими, уларнинг ишлаш принципи ва воситалари тўғрисида тушунчага эга бўлади. 3. Шахсий химояланиш воситаларининг танлаш учун намунадаги жадвални тулдиришни ўрганиш
<i>Таълим усуллари</i>	Тушунтириш, Кластер
<i>Таълим шакли</i>	Оммавий
<i>Таълим воситалари</i>	Тарқатма материаллар, слайдлар
<i>Таълим бериш шароити</i>	Махсус техника воситалари билан жихозланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб Ёзма назорат: Тест

# Ўқув машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш босқичлари ва вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчи</i>
<i>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш 15 дақиқа</i>	1.1. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган натижаларни етказиш. Машғулот режаси билан таништиради.	Тинглайдилар, ёзиб оладилар.
<i>2-босқич. Асосий 50 дақиқа</i>	2.1. Савол-жавоб орқали билимларни фаоллаштиради.  2.2. Кластер усулидан фойдаланиб, талабаларни химоя воситалари тўғрисида билимларини аниқлайди.(1-илова)  2.3. Асосий тушунчаларга таъриф беради.  2.6. Слайдлар ёрдамида фойдаланиладиган шахсий химоя воситалари тўғрисида тушунча беради.	Жавоб берадилар. Ўқийдилар, ёзиб борадилар. Тушунчаларни муҳокама қиладилар. Маълумотларни дафтарга қайд қиладилар. Кузатадилар, муҳокама қиладилар.
<i>3-босқич. Яқуний 15 дақиқа</i>	3.1. Мавзу бўйича яқун ясайди, ушбу фанни келгусидаги касбий фаолиятларидаги ахамиятини очиқ беради.  3.2. Мустақил ишни бажариш бўйича тавсиялар беради.	Савол берадилар. Ёзиб оладилар.

## Корхоналарини шамоллатиш

Ишлаб чиқариш биноларида ажралиб чиқаётган ҳар хил зарарли моддаларни шамол йўналиштириш воситаси билан биргаликда чиқариб юборишнинг имконияти бўлмаса, ёки ажралиб чиқаётган моддалар технологик жараённинг ҳамма участкаларидан ажралиб чиқаётган бўлса, унда якка тартибдаги шамоллатиш воситаларини қўллаш имконияти йўқолади. Ана ундай ҳолларда умумий шамоллатиш усулидан фойдаланилади.

# Шамоллатиш турлари:

- Табiiй шамоллатиш;
- Махаллий шамоллатиш



## Табиий шамоллатиш


Табиий шамоллатиш ташқаридан бино ичига кирган совуқ ҳаво бино ичидаги иссиқлик ҳисобига исиб ҳажми кенгайган ҳаво енгиллашиб бинонинг юқори томонларига қараб ҳаракатланади ва агар бинонинг юқори қисмида ҳавонинг чиқиб кетиши учун труба ёки тирқишлар ҳосил қилсак, иссиқ ҳавони ташқарига чиқариб юбориш имкониятига эга бўламиз.

# Маҳаллий шамоллатиш


Маҳаллий шамоллатиш системалари зарарли моддаларнинг ажралиш чиқаётган жойларнинг ўзида ишлаб чиқариш зонасидаги ҳавоги араллашиб улгурмасдан ушлаб қолиш ва чиқариб юборишни таъминлаши зарур.

# Сўриш қурилмаси


(Чапдаги -тўғри; ўнгдаги –нотўғри)








- Ҳавони киритиш ва чиқариш механик шамоллаткичлари. 1-ҳаво қабул килгич; 2-ҳаво узаткичлар; 3-фильтр; 4-калорифер; 5-марказдан қочма шамоллаткич; 6-ҳавони хонага киритиш тешиклари; 7-ҳавони хонадан чиқариш тешиклари; 8-ростлаш клапани; 9-ҳавони чиқариш қурилмаси; 10-ҳаво айланишини таъминловчи узатиш қурилмаси; 11-хона



**Ҳаво зичлиги ҳар хиллиги ҳисобиға амалға ошадиган  
ҳаво алмашиш схемаси**



**Шамол ён томондан бўлганда бино аэрацияси**

# Корхоналарини ёритиш

Ёруғлик инсоннинг ҳаёт фаолиятида ва меҳнат фаолиятида жуда муҳим роль ўйнайди. Кўриш инсон учун асосий маълумот манбаи ҳисобланади. Умумий олинadиган маълумотнинг тахминан 90% кўз орқали олинади.

Шунинг учун ҳам саноат корхоналарини рационал ёритиш сифатли маҳсулот ишлаб-чиқаришни таъминлаш билан бирга ишлаб-чиқариш шароитини яхшилайдди, ишчиларнинг чарчашдан сақлайди ва иш унумдорлигини оширади.

# Ишлаб чиқаришда ёритиш

```
graph TD; A[Ишлаб чиқаришда ёритиш] --> B[Табиий]; A --> C[Сунъий]; A --> D[Аралаш];
```


Табиий

Сунъий

Аралаш

## Корхоналарини ёритиш усуллари

- **Табиий.** Табиий қуёш ёруғлиги ёрдамида ёритиш (бунда қуёш тарқатаётган нурдан тўғридан-тўғри фойдаланилади ёки қуёш нурининг таъсирида ёруғлик тарқатаётган осмоннинг диффузия ёруғлигидан фойдаланилади);
- **Сунъий.** Қуёш ёрдамида ёритишнинг иложи бўлмаган саноат корхоналари хоналарини ва қуёш ботгандан кейин умуман саноат корхоналарини электр нурлари ёрдамида сунъий ёритиш йўли билан амалга оширилади.
- **Аралаш.** Табиий ва сунъий ёритилганликнинг бир вақтда булиши.




Хонанинг қирқими бўйича табиий ёритилганлик  
коэффициентини тақсимланиш схемаси. а-бир  
томонлама ёндан ёритиш

## Ишлаб чиқариш корхоналарни ёритишга қуйиладиган асосий талабалар


- 1. Иш жойларини ёритиш санитария-гигиеник нормалар асосида иш категорияларига мослашган бўлиши керак.
- 2. Иш олиб борилаётган юзага ва кўзга кўринадиган атроф муҳитга ёруғлик бир текис тушадиган бўлиши керак.
- 3. Ишчи юзаларда кескин соялар бўлмаслиги керак.
- 4. Ишчи зоналарда тўғри ёки нур қайтиши таъсирида ҳосил бўлаётган ялтираш бўлмаслиги керак.
- 5. Ёритилиш миқдори вақт бўйича ўзгармас бўлиши керак.
- 6. Ёруғлик нурларини оптимал йўналиш билан йўналтириш керак.
- 7. Ёруғликнинг лозим бўлган спектр составини танлаш зарур.
- 8. Ёруғлик қурилмалари қўшимча хавф ва зарарликлар манбаи бўлмаслиги керак.
- 9. Ёритиш қурилмаси ишлатиш учун қулай, ўрнатиш осон ва иқтисодий самарадор бўлиши керак.



# ВЕНН ДИАГРАММАСИ



# ВЕНН ДИАГРАММАСИ



Эътиборингиз учун  
рахмат!

